Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 18 апрель, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 28 (7025)

Da'vat

Керак ҳар илмдин бўлмоқ хабардор,
Бўлур ҳар қайси ўз вақтида даркор.

ФУРҚАТ

Ibrat

Бўз туманида истиқомат қилаётган нафақахўр Инобат Ҳусанова ва педагогика билим юрти муаллимаси Гулшода Низомоваларни саховатпеша кишилар сирасига киритиш мумкин. Бу олий ҳиммат инсонлар ҳар бири бошланғич синф ўқувчиларига бепул тушлик тарқатишни одат қилиб олишди.

O'zbekiston — Qirg'iziston

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ

Яна бир гуруҳ ватандошларимиз азалий урф-одатларимиз — нон-туз ила Тошкент аэропортига чиқишди. Бу сафарги Ватанимиз меҳмонлари ўз маданияти кунларини ўтказишга ташриф этаётган қардош қирғиз биродарларимиз эди.

Қирғизистон Республикаси Давлат котиби Э. Абдураззоқов бошчилигидаги расмий делегацияни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, маданият ишлари вазири Х. Жўраев ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Меҳмонларнинг пойтахт билан танишуви рамзий маънода — бобомиз Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйишдан бошланди. Сўнгра бугунги ҳар икки халқ маданиятини, маънавиятини таъминлайдиган қатор учрашувлар, кўргазмалар, анжуманлар бўлиб ўтди.

Дўстлик масофа билмайди, деган нақл бежиз эмас. Асли бир дарахт илдизлари бўлмиш қардош халқлар билан биз нафақат дўст, балки урф-одатимиз, динимиз бир бўлган бир бутун халқмиз десак хато бўлмас.

***

Буюк маънавият, юксак эътиқод асрлар давомида беш қардош республика, янаям тўғрироғи бир бутун Туркистонда шаклланган. Маънавият, маданият ўчоғи бўлган Шарқ дунёга кимларни танитмаган. Қардош қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовни бугун бутун дунё билади. Ўзининг «Қиёмат», «Асрга татигулик кун», «Кассандра тамғаси» романлари, энг гўзал севги қиссаси «Жамила» сингари кўплаб қиссалари билан ўзбек ўқувчиларига севимли бўлиб қолган Ч. Айтматов ТошДУ талабалари билан учрашди.

Учрашувни ТошДУ ректори, академик Т. Долимов кириш сўзи билан очди ва Ч. Айтматовга дорулфунунга ташриф буюргани учун миннатдорчилик билдирди. Учрашувни Ч. Айтматовга ҳамроҳ бўлиб келган Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси вице-президенти О. Ёқубов олиб борди. Таниқли олим, профессор О. Шарофиддинов ёзувчи ҳақида кўп илиқ фикрлар билдирди. Шундан сўнг Чингиз оға ва ўқитувчи-талабалар ўртасида қизғин савол-жавоблар бўлди.

Анжуман қатнашчилари ўзларини қизиқтирган маънавий, маданий, адабий соҳалардаги кўплаб саволларига жавоб олдилар.

Шарифа МУРОДЖОН қизи



Sinab ko'ring

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ — МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК ОМИЛИ

Мамлакатнинг куч-қудрати сиёсий-иқтисодий кўрсаткичларининг юксаклиги билангина эмас, балки фуқаролари маънавиятининг қай даражада камолотга етганлиги билан ҳам ўлчанади. Узбекистоннинг тўла мустақил бўлишида фуқароларининг руҳий ва фиқрий мустақиллиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам жамият аъзоларини, айниқса, ёшларни мустақил фикрлай олишга ўргатиш бугунги кунда ўта долзарб бўлиб турибди. Ёшларни ташаббускор кишилар сифатида тарбиялаш, уларни ностандарт фикрлашга одатлантиришда таълим тизими алоҳида ўрин тутади. Таълимнинг шахсни шакллантириш борасидаги самарадорлигини оширишда педагогика илми ва амалиётининг тўғри йўналишга эга бўлиши жуда ҳам муҳимдир.

Педагогиканинг муайян жамият аъзоларини уша жамиятнинг етакчи идеалларига мос қилиб шакллантиришдек асосий вазифасини назарда тутган ҳолда аввало ушбу ижтимоий идеаллар нималардан иборат-у, уни белгилашда таяниладиган илмий-фалсафий асослар қайсилар эканлигини тўғри тайин этиш муҳим аҳамиятга эга.

Миллий педагогиканинг диққати тарбияланувчи шахси маънавиятини камол топтиришга, уни ўзига хос тарзда фикрлайдиган, мустақил хулосаларга кела оладиган, ижодкор, ташаббускор, масъулиятни зиммасига олишдан чўчимайдиган фаол инсон қилиб шакллантиришга, соғлом авлодни тарбиялашга қаратилган. Соғлом авлод — соғлом маънавият демакдир. Соғлом маънавият ўзни енгмак, ўз истак-майларини жиловлай билмак, худбинликдан устун келмакдир. Мустақилликка эришган Узбекистоннинг ҳозирги янгиланиб бораётган педагогикаси ҳам қарашлар хилма-хиллиги хулосалар ҳаққонийлигининг шарти эканлигини англаб етган тарбияшунослик сифатида шакланмоқда.

Инсоннинг туйғулар олами, ҳиссиётлар дунёси мустақил бўлмас экан, ўқитувчи ёки ўзга кишининг тазйиқларидан, зўравонликларидан ҳайиқиб турар экан, у ҳеч қачон мустақил фикр айтолмайди. Ҳиссиётларига дахл қилинмаган одамдан мустақил фикр чиқади, ўз фикрини асослай билади, ҳимоя қила олади. Руҳияти мустақил шахсда фикр айтиш кучли эҳтиёжга айланади.

Таълим тизимида ўрганиладиган ўқув фанлари ўқувчиларнинг ҳиссиётларини уйғотадиган, уларнинг индивидуал хусусиятларини очишга, уларда изланиш омилларини шакллантиришга йўналтирилса, кутилган натижага эришилади. Ўқувчида инсоний фазилатлар ҳосил қилиш учун унинг ўзини ҳаракатга келтирадиган омиллар топишга эътибор қаратилмоғи лозим.

Узбекистон Республикасининг Олий мажлиси IX сессиясида юртбошимиз: **«Болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман болалар мактабда мустақил фикр юритишга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди... Мактаблардаги жараёнда ўқитувчи ҳукмрон. У боладан фақат ўзи тушунтираётган нарсани тушуниб олишни талаб қилади. Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидаги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши жуда қийин кечяпти. Ўқитувчининг вазифаси — ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборатлигини яхши тушунамиз, лекин афсуски, амалда, тажрибамизда унга риоя қилмаймиз»,** — деган эди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», таълим тизимида амалга

(Давоми 3-бетда)

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ Конгресси сенатори Сэм Браунбекни қабул қилиб, Буюк Ипак йўли стратегияси мазкур лойиҳа доирасида минтақа хавфсизлиги муаммолари ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчи Иван Рыбкинни қабул қилиш маросимида иккала мамлакат ҳамкорлиги ҳамда Москвада бўлиши кутилаётган МДҲ раҳбарлари Саммити билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашилди.

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида ижтимоий мажмуининг ислоҳотлар боришининг 1998 йил биринчи чораги якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мажмуининг йиғилиши бўлиб ўтди.

• Россия Думаси раиси Г.Селезнёв Россия Президенти Б.Ельцин билан учрашгандан сўнг ўзининг учрашувгача бўлган Президент томонидан ҳукумат раҳбарлигига илгари сурилаётган Кириенко номзодига нисбатан бўлган фикридан батамом воз кечганлигини, мен учун ҳукуматга ким раҳбар бўлишидан кўра ҳозирги Думанинг тақдири муҳимроқ, дея изоҳламоқда.

• КХДР йўлбошчиси Ким Ир Сен вафотидан сўнг тўрт йилдан кейин бу мамлакатнинг Жанубий Корея билан алоқаси тикланиб, бу иккала мамлакат Бош вазирлар ўринбосарлари даражасида бўлиб ўтган учрашувда асосан Шимолий Корея аҳолисига озиқ-овқат ёрдамини кўрсатиш масаласи муҳокама этилди.

• Хитой Халқ Республикаси Бош вазири ўринбосари У.Бангогнинг баёнот беришича, ХХР беғараз ёрдам сифатида КХДРга 100 минг тонна дон ҳамда 20 минг тонна кимёвий ўғит етказиб беради.

• АҚШ Мудофаа вазири Уилям Коэннинг Яқин Шарқ бўйлаб сафари кун тартибидаги асосий масала — Фаластин ва Исроил ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш.

Ayyom kundaligi

ҲАР КУНИ НАВРЎЗ

Ватанимизда баҳорнинг тароватли кунлари бўйлаб Наврўз байрамини нишонлаш давом этаётир. Баҳор бир кун бўлмаганидек, Наврўз ҳам фақат бир кун эмас. Аммо шоир айтганидек:

Баҳор мангу эмас, уч ойлир халос.

Айнан баҳорнинг қадри, баҳорнинг ғаниматлиги учун ҳам элимизда Наврўз байрами муқаддас саналади. Элдошларимиз бу байрамни ойлаб нишонлайдилар, бир-бирларига эзгу тилаклар билдирадилар:

Ҳар тунинг қадр бўлибон,
Ҳар кунинг бўлсин Наврўз.

Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги «Истеъдод» номли 204-боғча-мактаб болажонлари, мураббийлари ва ота-оналари ҳам Наврўз байрамини нишонладилар. Болажонларнинг кўзларидаги ҳайрат, улар кийган ранг-баранг либослар, жажжи қўлларидаги турли-туман гулдасталар, махсус безатилган майдондан мактаб жамоаси Наврўз байрамини нишонлашга астойдил ҳозирлик кўргани билинди.

Ўқувчилар ўз мураббийлари қўмагида тайёрлаган байрам дастурини намойиш этишди.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлимининг мактабгача тарбия шўъбаси бошлиги Лайло Абдукаримова, касаба қўмитаси раиси Мастура Убайдуллаева, боғча-мактаб директори Маҳфуза Қутпиддинова ва бошқалар сўзга чиқишиб, барчани байрам билан қутладилар.

Ушa куни яна бир сана — 204-боғча-мактабнинг ташкил топганига 10 йил тўлгани ҳам эсланди. Ушбу таълим ва тарбия масканида ишлаб кетган ўқитувчилар хотирланди.

Боғча-мактаб ҳудудида нишонланган мазкур қўшалоқ байрам нафақат ўқувчинию ўқитувчиларни, балки ота-оналарни ҳам хушнуд этди.

Рустам МУСУРМОН

КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

2-бет

БУ СИЗ УЧУН ЗАРУР

4-бет

Qaror va ijro

«ҲАҚИҚАТ»ДА БОЛАЛАР БОҒЧАГА БОРИШАДИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 сентябрдаги 453-қарорига асосан республикамиздаги мавжуд барча мактабгача тарбия муассасалари давлат ҳокимияти балансига ўтказилаётир. Бу муҳим иш Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида қандай амалга оширилмоқда? Махсус мухбиримиз туман халқ таълими бўлими мудири Исроил КЕЛДИЁРОВ билан ана шу хусусда суҳбатлашди.

— Исроил ака, 453-қарорга асосан сизлар нечта болалар боғчаларини қабул қилиб олишингиз лозим эди-ю, ҳозиргача қанча қабул қилиб олдингизлар?

— Аввало, шуни айтиб ўтиш жоизки, мазкур қарор қабул қилингунга қадар ҳам туман халқ таълими бўлими тасарруфида 10 та болалар боғчаси мавжуд бўлиб, уларда мингдан ортиқ кичкинтой тарбияланаётган эди. Туман ҳокимлигининг саъй-ҳаракати туфайли ҳар бир боғчамизга ҳомий ташкилот биркитилган. Айтиш мумкинки, ўша боғчаларда ишлар ёмон эмас. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 26 та болалар боғчаларини қабул қилиб олиш топширилди. Туман ҳокимлиги кўрсатмаси асосида тузилган махсус гуруҳ иштирокида ҳозирга қадар 17 та болалар боғчаларини қабул қилиб олдик.

— Ўша қабул қилиб олинган болалар боғчаларида аҳвол қандай?

— Сизга очиғини айтсам, яхшилари ҳам, ёмонлари ҳам бор. Яккабоғ тўқимачилик фабрикаси тасарруфидаги «Ширинтой», «Оқ олтин», очиқ ҳиссадорлик жамияти тасарруфидаги «Камалак» каби болалар боғчаларида ҳамма нарса жой-жойида. Таълим-тарбия иши ҳам намунали йўлга қўйилган. Хомийлар зарур шарт-шароитни, рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш ишларини ўз ўрнига қўйишган. Бир сўз билан айтганда ташкилот раҳбари кичкинтойлар камолоти йўлида ҳеч нарсани аямаган.

Бироқ боғчаларнинг ҳаммасида ҳам аҳвол шундай деб бўлмайди. Ўша 17 та боғчанинг атиги 10 тасида болалар тарбияланаётган экан. Ўтган қисқа муддат ичида туман ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармасининг кўмаги ҳамда бевосита раҳбарлиги билан яна 5 та болалар боғчалари кичкинтойларни яна ўз бағрига ола бошлади. Бу тадбирларни олға суриш хўжалик раҳбарларига боғлиқ. Айтайлик, Навоий номли жамоа ширкат-хўжалигидаги «Қувонч», «Соҳибқирон» жамоа-ширкат хўжалигидаги «Ғунча» болалар боғчаларини қаранг. Биз уларни фақат биноларини қабул қилиб олдик. Улар таъмирлашга муҳтож.

— Исроил ака, демак 17 та боғчани қабул қилиб олдингизлар. Қолган 9 та боғча ҳақида нима дея оласиз?

— Мазкур 9 та боғчанинг биттаси жуда яхши. У Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноати миллий корпорацияси тасарруфидаги «Геолог» болалар боғчасидир. Ушбу корпорация маъмурияти ўзаро тузилган шартномамизга асосан ҳозирча «Геолог» аввалгидек корпорация ихтиёрида қолди. Қолган 8 та болалар боғчасини қабул қилмадик. Негаки, бу боғчалар хароба ҳолавон Маҳмуд номидаги 3-ўрта мактабда, Самарқанддаги 22-ўрта мактабда, Жиззахдаги Ш. Рашидов номидаги 10-ўрта мактабда бўлдик. Биз кузатган юқоридаги мактабларнинг тарихий музейларида фақат номи берилган шахснинг ҳаёт-фаолияти эмас, балки мактабнинг ўтмиш тарихи ҳам яхши ёритилган. Масалан, мактаб дастлаб қандай йўл билан, қачон яратилганлиги, шу мактабда кўп йил ишлаб ташаббус кўрсатган моҳир педагогларнинг фаолияти, мактабни тутатган ва ҳозирда олим, академик ёки давлат арбоби бўлиб етишган кишиларнинг фотосурати, қисқа таржимаи ҳоли чиройли қилиб ойна тагида жойлаштирилган. Ҳа, бундай музейлар фақат мактаб ўқувчиларини эмас, балки собиқ ўқувчиларни, ота-оналарни, ҳатто узоқ шаҳарлардан саёҳатга келувчиларни ҳам қизиқтира олади.

(Давоми 2-бетда)

МАКТАБДА МУЗЕЙ БЎЛСА...

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
фахрий педагог,
Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими

MMM — ХАБАРЛАРИ

G'OLIB — QISHLOQ MUALLIMI

Shofirkon tumanidagi 6-gimnaziya fizika fani o'qituvchisi Isroil Jo'rayev o'tgan yili Davlat test markazi tomonidan o'tkazilgan «Pedagogik testlarning ijodkor muallifi» ko'rik-tanlovida qatnashib, fizika fanidan 500 ta savol tuzib jo'natgan edi.

Yaqinda ijodkor o'qituvchining 300 ta savoli test markazida tanlab olingani haqida xushxabar keldi. U poytaxtimizda ushbu ko'rik yakuniga 'bag'ishlangan yigilishda ishtirok etib, markazning 1-darajali diplomini va tanlov g'olibligini olib qaytdi.

Dilmurod JABBOR

JAJJI KOMP'YUTERCHILAR

Ahdijon shahridagi viloyat o'quvshilar saroyida komp'yuter savodxonligiga katta e'tibor qaratilyapti. Yosh mutaxassis Marhabo Darveshyeva rahbarlik qilayotgan to'garakka shahardagi quyi sinf o'quvchilaridan qariyib 90 nafari faol qatnashib kelayapdi. Bolalarning iqtidorlilari esa murakkab dasturlar tuzish, turlicha shakllar yasash, disketlar bilan ishlash, murakkab aljabr amallarini bajarish sirlarini allaqachon o'zlashtirib olishgan. Demak ularning kelajakda yaxlit axborot makoni vujudga kelgan davrda ham komp'yuter bilan emin-erkin «tillasha» olishlari tabiiy.

Avaz XAYDAROV

O'QITUVCHI - 98

Yaqinda To'rtko'l tumani XTBga qarashli maktablar o'rtasida «O'qituvchi — 98" ko'rik-tanlovi bo'lib o'tdi. Unda hududiy tanlovdan g'olib chiqqan o'qituvchilar o'z mahoratlarini yana bir bor namoyish qilishdi.

Tanlovda 9-maktabning o'zbek tili va adabiyot fani o'qituvchisi Muhabbat Aminova g'olib deb topildi.

Tohir RO'ZIBOEV

DOIRA ZARBI

Yaqinda Mulla To'ychi Toshmuxammedov nomli Qashqadaryo viloyati musiqali drama teatrida «Zarb—97» viloyat doirachilar ko'rik-tanlovining yakunlovchi bosqichi bo'lib o'tdi. Ko'rik-tanlovda oliy o'rin Qarshi davlat san'at bilim yurti o'qutuvchisi Xalil Muxammadievga tegdi va unga ramziy doira sovg'asi topshirildi. Sovg'ani O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan artist Dilmurod Islomov topshirdi.

Muxtasarxon KARIMOVA

DTM tahlili

КЎЗГУДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Тошкент вилояти республикада ўзига хос хусусиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Унинг Тошкент шаҳрига яқинлиги, саноат ишлаб чиқаришга эга шаҳарлари ва қишлоқ хўжалигининг ўзига хослиги аҳолининг маънавиятидаги алоҳида ўзига хосликни кўрсатади. Тошкент вилояти олий ва ўрта махсус ўқув юртларига абитуриентлар тайёрлашда республиканинг сермаҳсул вилоятларидан ҳисобланади. 1997 йилда 7111 абитуриент ўқишга кириш истагини билдирди. Ўрта мактабнинг битирувчи синфида 14616 ўқувчи таълим олган.

Тошкент вилоятида имконият кенг бўлишига қарамай жавоблар самарадорлиги бўйича илғор ҳудудлардан орқада қолмоқда.

Вилоят туманлари бўйича жавоблар самарадорлигига эътибор берилса, унда Ўрта Чирчиқ тумани (она тили ва адабиёт, физика, кимё, тарих), Тошкент тумани (она тили ва адабиёт), Зангиота тумани (биология, кимё), Бекобод туманлари (тарих ва география) нисбатан юқори кўрсаткичларга эришганликлари кўринади.

Вилоят бўйича математика, физика, кимё фанлари бўйича жавоблар самарадорлигига эътибор бериш зарур. Чунки вилоятдаги 10 та туманда физика бўйича, 9 та туманда математика бўйича, 8 та туманда кимё бўйича ўртача жавоблар самарадорлиги вилоят кўрсаткичидан паст бўлган.

Вилоят бўйича физикадан жавоблар самарадорлиги 29,7% бўлгани ҳолда Янгийўл шаҳрида 22,4%ни, Ангрен шаҳрида 24,5%ни, Бўстонлиқ туманида 24,9%ни ташкил этган.

Математикадан вилоят бўйича жавоблар самарадорлиги 33,7%га тенг бўлса, Ангрен шаҳрида 28,1%га, Оққўрғон туманида 30,9%га тенг бўлган.

Жадвалларда ҳар бир туман бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш истагини билдирган абитуриентлар жавобининг самарадорлиги кўрсатилган.

Вилоят бўйича ҳар бир ўқув предмети бўйича абитуриентлар жавобларининг самарадорлиги берилган ва бу кўрсаткич республика бўйича умумий кўрсаткичга таққосланган. Ўйлаймизки, халқ таълимининг вилоят ва туман бошқармаларининг ходимлари, мактаб раҳбарлари ва тегишли фан ўқитувчилари маълумотларни таҳлил этиб, ўз ишларини мукаммаллаштириш бўйича тегишли хулосалар чиқариб олишади.

	Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги (%)	Республиканинг ўртача кўрсаткичи (%)
Ўзбек тили ва адабиёти	40,6	43,41
Тарих	47,4	49,75
Математика	40,6	40,87
Физика	29,7	29,26
Биология	49,8	53,39
Химия	39,4	40,73
География	42,2	43,47
Инглиз тили	41,9	40,63
Немис тили	27,6	27,94
Француз тили	33,5	31,08

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	1184	39.3	605	38.7	187	39.2	392	40.1
2	Оҳангарон тумани	587	38.4	174	39.5	16	42.4	397	37.8
3	Бекобод тумани	775	43.2	271	46.1	33	44.9	471	41,3
4	Пскент тумани	605	44.0	194	46.6	33	47.8	378	42.4
5	Янгийўл тумани	792	41.4	280	40.4	79	42.9	433	41.8
6	Бўстонлиқ тумани	633	36.5	243	36.0	66	36.2	324	36.9
7	Бўка тумани	708	40.6	295	39.6	48	46.6	365	40.6
8	Оққўрғон тумани	600	42.9	241	42.3	46	44.0	313	43.1
9	Паркент тумани	822	41.4	378	40.1	83	42.8	361	42.4
10	Тошкент тумани	736	40.7	337	38.4	122	43.2	277	42.4
11	Чиноз тумани	682	40.2	240	38.9	46	39.4	396	41.0
12	Ўрта Чирчиқ тумани	961	42.0	359	44.3	70	41.9	532	40.5
13	Қуйи Чирчиқ тумани	381	40.0	132	39.9	29	40.9	220	40.0
14	Зангиота тумани	813	41.6	385	41.1	105	42.3	323	42.0
15	Юқори Чирчиқ тумани	427	35.9	169	37.6	48	36.6	210	34.4
16	Чирчиқ шаҳри	494	38.9	100	39.4	32	43.7	362	38.3
17	Оҳангарон шаҳри	144	37.6	42	43.8	4	43.1	98	34.7
18	Ангрен шаҳри	735	39.2	271	41.0	18	46.1	446	37.8
19	Янгиобод шаҳри	79	42.4	41	39.6	3	61.1	35	44.0
20	Бекобод шаҳри	291	38.4	126	37.6	14	37.1	151	39.1
21	Олмалиқ шаҳри	326	39.3	67	43.2	19	43.4	240	37.8
22	Янгийўл шаҳри	210	42.8	68	42.0	19	42.3	123	43.3
	Жами	12985	40.5	5018	40.6	1120	41.8	6847	40.2

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	288	45.8	177	47.6	52	45.9	59	40.4
2	Оҳангарон тумани	96	42.1	76	40.5	4	50.7	16	47.7
3	Бекобод тумани	155	53.4	106	53.1	12	49.5	37	55.6
4	Пскент тумани	113	51.4	60	54.5	13	50.4	40	46.9
5	Янгийўл тумани	246	46.8	102	44.6	33	44.9	111	49.3
6	Бўстонлиқ тумани	128	45.9	67	43.2	24	37.0	37	56.5
7	Бўка тумани	158	46.2	115	43.1	20	51.9	23	56.5
8	Оққўрғон тумани	151	52.1	94	51.5	13	54.9	44	52.6
9	Паркент тумани	160	41.4	82	42.1	30	38.6	48	42.0
10	Тошкент тумани	217	48.2	90	47.6	37	45.6	90	50.0
11	Чиноз тумани	155	46.6	72	46.3	16	42.0	67	48.1
12	Ўрта Чирчиқ тумани	192	52.1	102	53.3	29	45.8	61	52.9
13	Қуйи Чирчиқ тумани	88	45.7	45	46.5	13	49.1	30	43.1
14	Зангиота тумани	244	49.5	122	52.3	37	48.6	85	45.8
15	Юқори Чирчиқ тумани	74	38.4	42	41.3	12	38.2	20	32.5
16	Чирчиқ шаҳри	53	43.9	34	45.3	11	37.1	8	47.6
17	Оҳангарон шаҳри	27	45.7	19	47.1	2	45.8	6	41.2
18	Ангрен шаҳри	130	48.1	123	47.0	5	61.1	2	83.3
19	Янгиобод шаҳри	25	37.6	22	35.1	3	55.6		
20	Бекобод шаҳри	39	48.6	30	47.7	3	38.0	6	58.8
21	Олмалиқ шаҳри	42	50.5	25	50.9	7	44.4	10	53.6
22	Янгийўл шаҳри	86	51.0	34	48.6	4	53.5	48	52.4
	Жами	2867	47.5	1639	47.4	380	45.6	848	48.7

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	8	45.5	4	41.7	4	49.3		
2	Оҳангарон тумани	9	29.9	9	29.9				
3	Бекобод тумани	5	51.1	5	51.1				
4	Пскент тумани	9	49.4	5	53.9	4	43.8		
5	Бўстонлиқ тумани	9	43.8	6	45.8	3	39.8		
6	Бўка тумани	11	42.7	11	42.7				
7	Оққўрғон тумани	13	45.5	10	47.8	3	38.0		
8	Паркент тумани	21	40.3	12	46.5	9	32.1		
9	Тошкент тумани	3	38.0			3	38.0		
10	Ўрта Чирчиқ тумани	10	40.3	8	41.7	2	34.7		
11	Қуйи Чирчиқ тумани	8	36.8	8	36.8				
12	Зангиота тумани	8	43.8	3	38.0	5	47.2		
13	Юқори Чирчиқ тумани	7	42.1	3	34.3	4	47.9		
14	Ангрен шаҳри	17	39.7	17	39.7				
	Жами	138	41.8	101	42.2	37	40.7	0	0.0

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	352	42.4	171	43.7	45	34.3	136	43.4
2	Оҳангарон тумани	117	40.7	26	46.8	2	54.2	89	38.7
3	Бекобод тумани	266	48.0	70	57.4	3	25.0	193	45.0
4	Пскент тумани	169	48.4	48	55.8	5	36.7	116	45.8
5	Янгийўл тумани	229	44.9	60	50.0	15	39.1	154	43.6
6	Бўстонлиқ тумани	92	42.4	54	42.5	9	48.8	29	40.2
7	Бўка тумани	159	45.8	60	48.5	7	30.2	92	45.2
8	Оққўрғон тумани	191	49.8	76	57.7	8	47.9	107	44.3
9	Паркент тумани	220	43.1	103	43.7	10	46.1	107	42.4
10	Тошкент тумани	191	48.8	84	51.8	13	34.0	94	48.1
11	Чиноз тумани	170	43.9	56	48.1	3	36.1	111	42.1
12	Ўрта Чирчиқ тумани	267	48.8	84	51.1	9	51.9	174	47.5
13	Қуйи Чирчиқ тумани	128	43.6	46	47.4			82	41.4
14	Зангиота тумани	183	51.7	80	57.1	13	45.9	90	47.7
15	Юқори Чирчиқ тумани	123	45.1	56	47.1	7	30.2	60	45.1
16	Чирчиқ шаҳри	291	41.5	18	48.5	4	40.3	269	41.1
17	Оҳангарон шаҳри	17	45.8	7	49.2			10	43.3
18	Ангрен шаҳри	177	44.9	52	54.0			125	41.1
19	Янгиобод шаҳри	27	43.9	6	52.8			21	41.4
20	Бекобод шаҳри	41	49.7	21	49.7			20	49.7
21	Олмалиқ шаҳри	39	50.9	8	61.1			31	48.2
22	Янгийўл шаҳри	38	45.9	7	47.2			31	45.6
	Жами	3487	45.7	1193	49.8	153	39.1	2141	43.9

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	164	27.6	130	27.7	34	27.2		
2	Оҳангарон тумани	49	30.8	44	30.6	5	32.8		
3	Бекобод тумани	65	30.5	57	31.0	8	26.7		
4	Пскент тумани	46	32.3	40	34.2	6	19.9		
5	Янгийўл тумани	93	28.2	76	27.7	17	30.4		
6	Бўстонлиқ тумани	74	24.9	58	25.0	16	24.8		
7	Бўка тумани	67	30.1	55	27.8	12	40.7		
8	Оққўрғон тумани	37	25.0	34	24.9	3	25.9		
9	Паркент тумани	134	29.6	119	30.2	15	25.2		
10	Тошкент тумани	127	33.1	94	33.2	33	32.7		
11	Чиноз тумани	88	32.8	73	32.1	15	35.9		
12	Ўрта Чирчиқ тумани	114	37.3	104	37.7	10	32.2		
13	Қуйи Чирчиқ тумани	28	27.3	22	26.8	6	29.2		
14	Зангиота тумани	140	28.9	112	28.6	28	30.0		
15	Юқори Чирчиқ тумани	50	30.0	39	29.5	11	31.8		
16	Чирчиқ шаҳри	28	27.7	20	23.6	8	37.8		
17	Оҳангарон шаҳри	7	33.3	7	33.3				
18	Ангрен шаҳри	59	24.5	55	24.8	4	20.1		
19	Янгиобод шаҳри	9	29.6	9	29.6				
20	Бекобод шаҳри	45	26.0	37	25.5	8	28.5		
21	Олмалиқ шаҳри	17	29.6	14	31.7	3	19.4		
22	Янгийўл шаҳри	19	22.4	13	24.4	6	18.1		
	Жами	1460	29.7	1212	29.7	248	29.7	0	0.0

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	209	31.2	159	33.3	38	24.0	12	26.4
2	Оҳангарон тумани	43	30.0	17	33.7	3	52.8	23	24.4
3	Бекобод тумани	78	42.4	70	44.6	4	25.0	4	22.2
4	Пскент тумани	66	35.8	38	43.9	2	20.8	26	25.1
5	Янгийўл тумани	89	35.0	56	38.2	9	30.2	24	29.4
6	Бўстонлиқ тумани	80	32.5	47	34.2	7	44.0	26	26.4
7	Бўка тумани	49	38.8	42	41.3	2	20.8	5	25.6
8	Оққўрғон тумани	84	41.2	69	41.6	8	30.9	7	49.2
9	Паркент тумани	97	34.0	86	34.9	9	27.5	2	26.4
10	Тошкент тумани	69	41.1	54	44.0	10	29.7	5	31.7
11	Чиноз тумани	60	37.9	46	38.8	4	25.7	10	38.9
12	Ўрта Чирчиқ тумани	75	42.4	62	45.2	6	38.9	7	20.6
13	Қуйи Чирчиқ тумани	34	36.6	31	36.6			3	36.1
14	Зангиота тумани	74	42.7	63	44.6	7	29.8	4	35.4
15	Юқори Чирчиқ тумани	63	38.1	48	41.3	6	30.1	9	26.5
16	Чирчиқ шаҳри	34	33.4	17	42.5			17	24.3
17	Оҳангарон шаҳри	17	23.9	7	32.1			10	18.1
18	Ангрен шаҳри	43	43.3	30	50.6			13	26.3
19	Янгиобод шаҳри	6	40.3	6	40.3				
20	Бекобод шаҳри	40	30.4	38	30.8	2	22.2		
21	Олмалиқ шаҳри	61	26.6	8	52.8			53	22.7
22	Янгийўл шаҳри	26	33.0	8	37.2	3	46.3	15	28.1
	Жами	1397	36.0	1002	39.4	120	29.4	275	26.5

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	564	35.4	274	41.8	105	35.7	185	25.8
2	Оҳангарон тумани	364	34.2	87	36.7	10	31.9	267	33.4
3	Бекобод тумани	359	31.1	103	42.3	21	39.4	235	25.4
4	Пскент тумани	307	33.9	92	44.2	21	36.0	194	28.7
5	Янгийўл тумани	311	33.7	131	39.7	38	39.0	142	26.9
6	Бўстонлиқ тумани	404	32.9	128	40.0	44	38.1	232	27.9
7	Бўка тумани	410	32.9	137	36.4	27	45.7	246	29.5
8	Оққўрғон тумани	256	30.9	77	38.3	27	33.5	152	26.7
9	Паркент тумани	470	34.5	213	40.9	52	37.2	205	27.1
10	Тошкент тумани	353	38.9	180	43.3	86	40.6	87	27.9
11	Чиноз тумани	355	31.7	123	39.3	27	39.8	205	26.0
12	Ўрта Чирчиқ тумани	513	36.9	183	48.1	38	38.7	292	29.7
13	Қуйи Чирчиқ тумани	170	30.2	43	31.2	22	41.9	105	27.4
14	Зангиота тумани	408	34.9	196	37.6	67	39.6	145	28.9
15	Юқори Чирчиқ тумани	229	31.7	77	40.2	31	35.0	121	25.5
16	Чирчиқ шаҳри	141	38.0	53	46.9	21	40.5	67	30.2
17	Оҳангарон шаҳри	90	28.1	16	40.6	3	23.1	71	25.5
18	Ангрен шаҳри	425	32.3	107	36.8	12	45.6	306	30.2
19	Янгиобод шаҳри	27	38.7	15	39.6			12	37.5
20	Бекобод шаҳри	211	30.6	75	36.3	11	29.0	125	27.3
21	Олмалиқ шаҳри	192	30.2	34	43.1	12	53.2	146	25.3
22	Янгийўл шаҳри	70	35.4	28	42.8	14	40.7	28	25.5
	Жами	6629	33.7	2372	40.6	689	38.6	3568	28.1

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	272	44.3	211	47.0	61	35.0		
2	Оҳангарон тумани	49	31.8	46	30.7	3	49.1		
3	Бекобод тумани	106	38.1	90	38.7	16	34.4		
4	Пскент тумани	47	34.3	42	34.5	5	32.2		
5	Янгийўл тумани	122	41.9	92	45.1	30	32.0		
6	Бўстонлиқ тумани	62	41.4	49	44.2	13	30.6		
7	Бўка тумани	113	36.9	98	36.5	15	39.6		
8	Оққўрғон тумани	79	37.1	62	37.2	17	36.6		
9	Паркент тумани	95	37.7	72	38.3	23	35.6		
10	Тошкент тумани	157	43.6	113	43.1	44	44.8		
11	Чиноз тумани	105	39.6	81	41.8	24	31.9		
12	Ўрта Чирчиқ тумани	61	33.5	42	35.6	19	28.8		
13	Қуйи Чирчиқ тумани	28	32.2	21	32.0	7	32.9		
14	Зангиота тумани	192	43.1	147	44.8	45	37.6		
15	Юқори Чирчиқ тумани	55	37.2	41	39.0	14	32.1		
16	Чирчиқ шаҳри	60	51.7	47	53.9	13	43.6		
17	Оҳангарон шаҳри	28	36.3	26	37.0	2	27.8		
18	Ангрен шаҳри	116	45.8	105	45.5	11	48.5		
19	Янгиобод шаҳри	21	34.3	19	34.9	2	27.8		
20	Бекобод шаҳри	39	43.7	36	45.3	3	25.0		
21	Олмалиқ шаҳри	34	37.7	27	38.4	7	34.9		
22	Янгийўл шаҳри	48	44.2	38	44.4	10	43.6		
	Жами	1889	40.8	1505	41.9	384	36.5	0	0.0

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	8	30.9	6	29.6	2	34.7		
2	Оҳангарон тумани	14	29.8	14	29.8				
3	Бекобод тумани	16	33.9	16	33.9				
4	Пскент тумани	10	31.1	7	36.5	3	18.5		
5	Янгийўл тумани	6	30.6	3	38.9	3	22.2		
6	Бўстонлиқ тумани	24	32.3	22	32.3	2	31.9		
7	Бўка тумани	7	25.0	7	25.0				
8	Оққўрғон тумани	7	25.4	5	25.0	2	26.4		
9	Паркент тумани	33	29.3	22	32.1	11	23.7		
10	Тошкент тумани	8	38.5	5	54.4	3	12.0		
11	Ўрта Чирчиқ тумани	30	31.8	24	33.4	6	25.0		
12	Қуйи Чирчиқ тумани	2	22.2			2	22.2		
13	Зангиота тумани	2	29.2			2	29.2		
14	Юқори Чирчиқ тумани	16	37.7	10	46.7	6	22.7		
15	Олмалиқ шаҳри	4	22.9	4	22.9				
	Жами	187	31.3	145	33.5	42	23.7	0	0.0

Тошкент вилояти бўйича жавоблар самарадорлиги
Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртқи бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Қибрай тумани	78	24.2	48	24.5	30	23.8		
2	Оҳангарон тумани	18	24.5	13	21.6	5	32.2		
3	Бекобод тумани	21	26.3	18	27.8	3	17.6		
4	Пскент тумани	47	31.4	40	31.2	7	32.5		
5	Янгийўл тумани	35	26.0	25	27.6	10	21.9		
6	Бўстонлиқ тумани	45	23.1	33	24.0	12	20.6		
7	Бўка тумани	50	28.0	40	27.9	10	28.3		
8	Оққўрғон тумани	51	27.0	41	28.3	10	21.9		
9	Паркент тумани	26	26.6	20	27.8	6	22.7		
10	Тошкент тумани	36	22.5	21	22.4	15	22.6		
11	Чиноз тумани	16	31.6	14	31.5	2	31.9		
12	Ўрта Чирчиқ тумани	94	29.1	74	30.9	20	22.6		
13	Қуйи Чирчиқ тумани	29	25.8	23	26.3	6	23.6		
14	Зангиота тумани	15	25.6	15	25.6				
15	Юқори Чирчиқ тумани	11	35.9	6	31.9	5	40.6		
16	Чирчиқ шаҳри	8	22.6	4	27.1	4	18.1		
17	Оҳангарон шаҳри	2	27.8	2	27.8				
18	Ангрен шаҳри	21	23.7	19	23.4	2	26.4		
19	Бекобод шаҳри	9	31.8	9	31.8				
20	Олмалиқ шаҳри	18	27.9	11	28.0	7	27.8		
21	Янгийўл шаҳри	5	32.2	5	32.2				
	Жами	635	26.8	481	27.6	154	24.5	0	0.0

«ҲАҚИҚАТ»ДА БОЛАЛАР БОҒЧАГА БОРИШАДИМИ?

(Боши 1-бетда)

латда. Уларнинг фаолият кўрсатмаганига ҳам 4-5 йил бўлиб қолган. Булар тумандаги «Ҳақиқат», «Шарқ юлдузи», «Турон», «Турнабулоқ» ва «Ҳисор» жамоа ширкат хўжаликларидаги «Лола», «Наврўз», «Наргиз», «Табассум», «Гўзал», «Марҳабо», «Ўрта», «Қуёшча» болалар боғчаларидир.

— Исроил ака, бу борадаги режаларингиз нималардан иборат?

— Аввало шуни айтиш керакки, хўжалик маъмурияти қабул қилинмаган ўша боғчаларни қайта таъмирлаб, жиҳозларини жой-жойига қўйиб берсалар, бу боғчаларни ўша куниёқ қабул қилиб оламиз.

Туман халқ таълими бўлими томонидан қабул қилиб олинган болалар боғчаларидаги аҳволни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, уларга ҳам молиявий, ҳам услубий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Боғча раҳбарлари ва тарбиячилар қайта тайёргарликдан ўтказилаётир. Таъбир жоиз бўлса шуни ҳам айтайликки, тест ва синовлар натижаларига кўра лавозимига нолойиқ деб топилган мудиралар ва услубчилар ўрнига ёш, ҳаракатчан мутахассис кадрлар тайинланмоқда.

— Ошкора суҳбатингиз учун раҳмат!

«Маърифат»нинг махсус мухбири Абдували ОБИДДИН суҳбатлашди

«МАЪРИФАТ» МАСЛАҲАТХОНАСИ

? ? ?

***Бошланғич синф ўқитувчиларига синф раҳбарлиги учун 375 сўм ўрнига 275 сўм тўланиши тўғрими? Ваҳоланки, биз умумтаълим мактабларининг синф раҳбарларига қўшимча ҳақ энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида тўланади

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ — МАЪНАВИЙ КОМИЛЛИК ОМИЛИ

(Боши 1-бетда)

оширилаётган ислоҳотларнинг ҳам мақсади шунга қаратилган.

Маънавий бой, хаёл уфқи кенг, олам сирларини, одам туйғуларини англайдиган, қатъий фикрга эга булган, ўз фикрини эркин, саводли ифодалай биладиган шахсни шакллантириш кўпгина омилларга боғлиқ.

Педагогик амалиётда шу кунга қадар таълим тарбиядан устувор мавқеда булиб келди. Мактаб — билим берди. Ўқитувчи — ўқитди. Ўқувчи — ўқиди. Ўқувчи таълим-тарбия жараёнининг объектига — нишонига айланиб қолди. У тарбияланмади, балки уни тарбиялашди. Натижа эса барчамизга аён...

Мактаб даври шахснинг шаклланиш жараёни гоят интенсив кечаётган, ўқувчи ўз хатти-ҳаракатларини, қарашларини, руҳиятини ўзгаларники билан солиштирадиган, ҳар қандай фаолиятнинг ғоявий асосларини қидиришга уринадиган босқич саналади. Шу даврда ўз фикрини дадил айтишга, ўз қарашларини ҳимоя этишга одатланмаган, бировдан чўчиб турадиган, буйни қисиқ, боши эгик булиб ўзгалар иродасини ижро этишга кўниккан ўсмир ҳеч қачон шахс даражасига кўтарила олмайди.

Шахслик — онг, нутқ, одатлар, қилиқлар, кечинмалар, ҳиссиётлар, маънавий қоидаларга риоя қилиш ёки қилмасликдан иборат. Шахс ўз ҳаракатларини ўзгаларники билан қиёслай билади, ўз фаолиятининг бошқаларга халақит бермаслигини таъминлайди.

Таълим жараёнида ўқувчи баҳс-мунозара мобайнида мантиқий фикрлашга, ҳаётдан, бадиий асарлардан мисоллар келтириб фикрини асослашга, исботлашга ҳаракат қилади. Шунинг учун таълим тизимида баҳсли вазиятни ҳосил қила билиш муҳим аҳамиятга эга.

Баҳс ўқувчида фикрлаш, ўзганинг ҳолатини ҳис қилиш қобилиятининг шаклланиши, ўсиши ва ривожланишини таъминлайди. У ўқувчининг мустақил мушоҳада юритиш, ўз фикрини ифодалаш ва асослаш қобилиятини ривожлантиришга йўналтирилган фаолият булиб, ўқувчида ўз қарашларининг шаклланишини таъминлайди. Баҳс-мунозарада таълимнинг ҳаёт билан алоқаси, ҳаётий лавҳаларни билимлар манбаи сифатида қуллаш, қолипдаги фикрлашдан қочиш, ўқувчининг мустақил фаолиятига эрк бериш, таълимнинг индивидуаллигини кучайтириш, ўқувчиларнинг мустақил тадқиқот олиб бориши, кашф эта билишига имконият яратилади.

Баҳс-мунозара дарсларини ташкил қилиш учун аввало, баҳсли вазиятни вужудга келтириш лозим. Баҳсли — муаммоли вазият — инсоннинг интеллектуал қийин вазиятга тушиб қолишидир. У ҳодиса ёки ҳолатни қандай изоҳлашни билмайди. Бу ҳолат ўз навбатида инсонни янги йўлларни қидиришга ундайди. Мустақил фикрлаш омилларидан бири — баҳс дарсларини ташкил этиш учун анъанавий йўллар билан кутилган натижага эришиб булмайдиган ҳолатларга асосланган вазиятни вужудга келтириш лозим. Баҳсли вазият — ўқувчининг интеллектуал кучини зўриқтиради, вазиятни тушуниш учун янги йўлларни қидиришга ундайди. Ўзи учун янги тушунча ёки ҳодисани англаш жараёнида қийинчиликлар билан тўқнашув юзага келади.

Психология фанида баҳсли вазиятда инсон фаолиятининг тизими: баҳсли (муаммоли) вазият — муаммо — уни ечиш йўлларини излаш — муаммонинг ечими шаклида белгиланган.

Бола муаммо билан тўқнашганда фикрлай бошлайди. Унда таққослаш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, аниқлик, тизимга солабилиш кўникмалари шакллантирилган булиши лозим. Бу ўринда ўқитувчининг вазифаси фақат мавзуни тушунтириб бериш эмас, масалани тўғри кўя билиш, ўқувчини қизиқтира олиш, унинг туйғуларини безовта қилабилиш ва муаммони ҳал этишда ҳамкор сифатида қатнашишдан иборат.

Бола фаолияти қанчалик эркин булса, ҳурлигига дахл қилинмаса, унда шахсга ҳурмат туйғуси пайдо булади. Баҳс жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ҳамкорлиги болани мутеликдан, кўр-кўрона итоатдан қутқаради. Дарс бир мақсад сари интилаётган ҳамкорликларнинг ягона фаолиятига айланади.

Бу ҳолатни адабиёт фани мисолида кўрадиган булсак, умумтаълим мактабларининг 7-синфи учун «Ўзбек адабиёти» дарслик-мажмуасида Софоклнинг «Шоҳ Эдип» фожиасидан парча ўрганиш тавсия этилган. Асарнинг бош қаҳрамони Эдипнинг дардини, ҳолатини, туйғуларини оддий йўллар билан ўқувчига етказиш қийин. Шу ўринда муаммоли — баҳсли вазият ҳосил қилиш ва унинг асосида ноанъанавий дарс ташкил этиб масаланинг муваффақиятли ечимига эга булиш мумкин.

1. Айб нимаю гуноҳ нима? Эдип гуноҳкорми, айбдорми?

2. У жазога маҳкумми ёки тақдирнинг қурбони сифатида унга ачиниш керакми?

3. 2500 йил илгари ёзилган асар қаҳрамонларининг ҳис-туйғулари билан замондошларимиз туйғулари ўртасидаги яқинлик нимадан иборат?

4. Эдип характерида ҳавас қилса арзигулик фазилатлар борми?

5. Эдипнинг ўзига берган жазосини қандай баҳолайсиз? Унинг ўлимни танламаганига қандай муносабат билдирасиз?

Мазкур саволлар ўқувчининг фикрлаш қобилиятини оширади. Тарбияланувчининг билим олишга булган иштиёқини маълум мақсад сари йўналтиради, мавзуни ўзлаштириш жараёнида мантиқий таҳлилни талаб этади. Янги дарс баёни юқоридаги саволларга жавоб бермаслиги, фақат муаммо учун материал вазифасини ўташи лозим.

Ўртага ташланган муаммо ўқувчининг ҳаётий тажрибаларига, бадиий асар матнига таяниб ҳал қилинса, мавзу ўқувчига яқинлашади, уни қизиқтиради.

Мунозара давомида фикрларнинг хилма-хиллиги мазкур ҳолатнинг таъсирини кучайтиради, изланишларни фаоллаштиради. Тарбияланувчи баҳс жараёнида ҳақлигини ҳис қилганда билим олишдаги қатъийлигини, қизиқишини сақлаб қолади. Шунинг учун баҳс жараёнда ўқувчининг фикрий қатъийликка эришмоғини таъминлаш лозим. Баҳс мобайнида ҳар қанда фикр ҳурматга сазовор булмоғи, қадрланмоғи ва бу жараёнда муаммо ёки унинг ечими эмас, ўқувчининг фаолияти ўқитувчининг диққат марказида булиши керак. Чунки ўқувчининг фикрлаши оламни ва одамни билишнинг, ўзлигини кашф этишнинг ўзига хос шаклидир.

Ўқувчилар мазкур муаммоли ҳолатда ўзларича фикр юритадилар, таҳлил қиладилар, муносабат билдирадилар. Бу жараёнда ўқувчининг иш қуроли ҳаётий тажрибалари ва дарслик саналади. Шу боис ўқувчи китоб билан мустақил ишлашга, ўқиб ўқишга, айтилган фикрларни илғай олишга, борлиқни, инсонни, унинг туйғулари оламини кузатишга кўникма ҳосил қилган булиши лозим. Матн устида ишлаш—унинг мантиқий мазмунини англаш ва таҳлил қила билиш, яъни асосий ва иккинчи даражали фикрлар орасидаги алоқани ажрата билиш, шу билан бирга бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазасига, ўз қарашларига эга булиш демакдир. Таълим тизимида бола мактабга келган кунидан бошлаб унда шундай кўникмаларни шакллантириш йўлга қўйилган булиши лозим.

Ўқувчилар Эдип тимсолида шунчаки адабий қаҳрамонни эмас, балки инсонни — тақдирнинг қурбони булган ҳалол, виждонли, журъатли, том маънодаги чинакам инсонни кўра олишлари, унинг туйғуларини ҳис қила билишлари жоиз.

Баҳс жараёнида ўқувчилар қийналиб қолганда ўқитувчи ёрдамга келиши, баҳснинг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида ўз фикрини айтиши, кескинликни юмшатиши, қийин ҳолатдан ўқувчиларга ёрдамга келиши мумкин. Лекин ўқувчи қийналган пайтда уни «ижодий қийноқ»дан қутқариш учун боланинг фикрини айтишга кўмаклашиш, унинг ўрнига гапиришга йўл қўйилмаслиги керак. Бу боланинг фикрлаш қобилиятини чеклаб қўяди. Майли, бола хато хулосалар чиқарсин, ўқитувчига ёқмайдиган фикрлар айтсин. Гап шундаки, бола хаталарини ўзи англаб етса, қониниб, қийналиб тўғри йўлни, тўғри фикрни ва хулосани ўзи топса, шундай фикрга ўзи келса, болада фикрий қатъийлик шаклланади ва у ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз фикрини дадил ҳимоя қилади.

Баҳс жараёнида ўқитувчи тарбияланувчиларининг ўзаро муомала маданиятига, уларнинг бир-бирлари фикрларига ҳурмат билан қарашига эришмоғи ҳам катта аҳамиятга молик. Маънавий баркамоллик сари интилаётган инсоннинг ҳар қандай ҳолатдаги хатти-ҳаракати ҳам гўзал булишини таъминлаш ўқитувчининг вазифаларидан биридир.

Ҳар бир фан буйича ташкил қилинган фикрлаш машқларида ҳам ўқитувчи умумий хулосани чиқариши, якунловчи фикрни айтиши шарт эмас. Ҳар бир ўқувчи ўз хулосасида, ўз фикрида қолгани маъқул. Ўқитувчининг якунловчи фикрни айтиши, ҳаммани бир хулосага келтириши болаларни мустақил фикрлашга одатлантириш борасида қилинган барча ҳаракатларни йўққа чиқариши мумкин.

Қ.ҲУСАНБОЕВА,
педагогика фанлари номзоди,
ЎзПФИТИ илмий ходими

КАСБГА САДОҚАТ

Жамиятимиз бозор иқтисоди шароитида истиқбол сари бораётган бугунги кунда муаллимнинг, мураббийнинг ўрни бошқа касб эгаларига нисбатан ўзгача маъно касб этади, янада масъул, янада фидойи бўлишга даъват этади. Ўқитувчилик, муаллимлик, устозлик касби мурғак қалбларда эзгулик уруғини ундириб, ниш орттириб, то тафаккур гулшанида бўстон яратгунча қанча қийинчиликлар, мушкулликлар рўй беради, албатта. Бу касб заргар юмушидек ниҳоятда нозик, санъаткор ишидек серқирра.

Деҳқон ҳосилини бир йил давомида олса, ўқитувчи ўз меҳнати самарасини умри давомида олиши мумкин, дейилади хитой ҳикматларида. Ҳар бир дарс ўқилмаган китобдек, янги асардек ижодий ёндашувга даъват этади, термулиб ўтирган нигоҳларда ишонч уйғотишга, қалбларга ғурур, вужудига фидойилик бағишлашга ундайди. Агар муаллим бу вазифани уддалай олмас экан, демак, у ўз фанига муҳаббат, ўзига эса ҳурмат ҳам уйғота олмайди.

Сахна актёр учун қанчалик муқаддас, мўътабар бўлса, синф, аудитория ҳам муаллим учун шунчалик муқаддас, мўътабар мақондир. Унга хиёнат, касбига хиёнат, юртига хиёнат, шогирдларига хиёнат ҳисобланмасмикан?!

Антик даврнинг улуғ мутафаккирларидан ҳисобланган Суқрот юксак устозлик эътиқодига эга бўлган буюк сиймолардан ҳам эди. «...Фикрингиздан қайтсангиз, қамоқдан озод бўласиз», деб мурожаат қилганларида, у «шогирдларим, ўқувчиларим олдида нима деган одам бўламан», дея рад жавобини бериб, қамоқ азобини виждон азобидан аъло кўрган экан...

Бугунги кунда баъзи қийинчиликларни рўкач қилиб, бозорда, ҳатто мактаб, ўқув даргоҳларида билим бериш ўрнига олиб сотарлик билан шуғулланувчи ўқитувчи, муаллимлар йўқ эмас орамизда. Тўғри, тирикчилик ташвишлари бу касб эгаларини ҳам четлаб ўтган эмас. Бироқ бу тангликлар ўткинчи, вақтинчаликдир. Ундан келган даромад узоққа бормайди. Маънавий юксаклик, поклик, садоқатдан келган бойликнинг умри узоқ бўлади, мустаҳкамроқ бўлади, уни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Бозор иқтисоди шароити ҳар қандай касбни ҳам моҳирона ўрганишга чорлайди. Бу албатта, ҳар ким ўз касби нуқтаи назаридан келиб чиқиб, амалга оширмоғи даркор. Ана шундагина буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ўз устози Абдураҳмон Жомийнинг неварасига кўрсатган катта эҳтиром, ҳурмат яна қайта намоён бўлармиди?

Ўлмас ЖАЛОЛОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

КЎНГЛИМНИ УЗОЛМАЙМАН

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳасида тараққиётга эришишни ўзига мақсад қилиб, ривожланиш йўлидан дадил одимлар экан, унинг келажаги ёшлар қўлида эканлигини, миллатимизнинг эртанги тақдири бугунги ёшларнинг нақадар истеъдодлилигига, уддабуронлигига боғлиқ. Шу маънода кейинги йилларда республикамизда ёш мутахассис кадрларга эътибор ва эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бир неча йиллардан буён Улуғбек номидаги Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Республика Жамғармаси бош директор ўринбосари, ҳозирда эса Олий таълим вазирлиги ходими бўлиб ишлаб келаётган Норим Раҳмонов ҳам истеъдодли, ҳаракатчан ёш мутахассис.

Н. Раҳмонов ўзи эришган ушбу ютуқларда жонажон мактаби — Ургут туманидаги 36-мактаб муаллимлари Дилбар Пардаева, Нарзулла Раҳимов, Валентина Қаҳҳорованинг хизматлари катта эканлигини ҳеч ким унутмайди.

Норим мактабни тугатгач, ҳужжатларини Тошкент Давлат университетига топширди. У мактабдаги сингари олий даргоҳда ҳам тиришқоқлик билан ўқиди. Университет иқтисод факультетининг халқаро иқтисодий муносабатлар бўлимини муваффақиятли тугатиб, халқаро иқтисодчи мутахассислиги дипломини олди. Нега энди у ўз мутахассислиги бўйича ишламасдан, бошқа ишнинг бошини тутди, дейишингиз мумкин. Биз ҳам унга шу савол билан мурожаат қилганимизда:

— Негадир таълим-тарбия ишидан кўнглимни узолмайман. Ёшлар билан, айниқса истеъдодли ёш ука-сингилларимиз билан ишлашни жуда ёқтираман. Боиси шунда бўлса керак, — деган жавобни олдик.

Миллат равнақи йўлида астойдил бел боғлаб ишга киришган бу каби ёш мутахассис кадрлар янаям кўпаяверсин.

Н.ОЧИЛОВ

«G'UNCHA»NING YANGI SONI

Aziz o'quvchilar. Sevimli jurnalingizning ikkinchi soni bosmadan chiqdi. Unda turli mavzudagi maqolalar, ajoyib she'rlar, qiziqarli hangomalar, suratli topishmoqlar bilan odobnoma va chiroyli yozish sirlarini o'rganasiz.

BOLALAR DUNYOSI

TULKI, KIYIK VA QARG'A

(mo'g'ul xalq ertagi)

Qadim zamonlarda tulki, kiyik, qarg'a birga yashashgan ekan. Ular har kuni nasibasini izlab turli tomonga yo'l olarkan, kechqurun yana to'planib bir-birlari bilan qayerda ovqatlanish mumkinligini kelishib olar ekanlar. Bir kuni tulkining qorni och qolibdi. Kiyikka havasi kelib, u qayerga borsa o'ziga o't-o'lan topib eb, qornini to'ydirib qaytadi, deb o'ylabdi. Shunda tulki kiyikni o'ldirishga qaror qilibdi va unga;

— Hoy kiyik, kunbotar tomonda o'tloq borligini bilaman, u erdagi o't-o'lan shunday mazaliki, havasing keladi. Ertaga o'sha erga bor, maza qilib o'tlaysan, — debdi.

Kiyik tulkining gapiga ishonib, ertasigayoq u aytgan tomonga yo'l olibdi. U yo'l yursa ham mo'l yuribdi, oxiri arpa ekilgan maydonga etib kelibdi. Ammo u maysaga endi bo'ynini cho'zgan ham ekanki, qopqonga tushib qolibdi. Kechqurun tulki bilan qarg'a uylariga qaytib kelishibdi, lekin kiyikdan darak bo'lmabdi. Qarg'a tashvishlanib:

— Bizning kiyik qayoqqa yo'qoldiykin, sen buni bilmaysanmi? — deb tulkidan so'rabdi.

Tulki arpapoya tomon imo qilibdi. Qarg'a uchib borib qarasa, kiyik qopqonga tushib yotgan emish. Qarg'a unga qarab:

— Men arpopoya egasining tomiga uchib borib qo'nib: «Arqonni tayuorla!» deb baqiraman. Uy egasi sening oldingga chopib keladi, sen nafas olmay, qimir etmay yot. U seni o'lgan deb o'ylab, qopqondan bo'shatadi-da, quvonchidan tamaki chekishga o'tiradi. Shunda sen o'rningdan turib qochib ketasan, — debdi.

Qarg'a nima degan bo'lsa, kiyik shunday qilibdi. U arpapoua egasining uyiga uchib borib qo'nibdi-da, ovozining boricha: «Arqonni tayyorla, qopqonga kiyik tushdi!» deb baqiribdi. Uydan chol chiqib to'g'ri arpapoya tomon chopibdi. Borib qarasa, rostdan ham qopqonga katta kiyik tushib, nafas chiqarmay yotganmish. Chol yaxshigina o'ljadan xursand bo'lib ketibdi, u qopqondan kiyikni bo'shatib, peshonasidan terni sidirib tashlab, tamaki chekishga o'tiribdi. Shu payt kiyik o'rnidan dik turibdi-yu qochib qolibdi.

Chol anqovligidan peshonasiga shapillatib, qopqonni yana qaytib shaylab qo'yib, uyga yo'l olibdi.

Qarg'a bilan kiyikni kutaverib, tulkini toqati toq bo'libdi. U hech bo'lmasa kiyikning ichak-covog'i nasib etar degan niyatda yo'lga tushibdi. Boribdi-yu qopqonga ilinibdi. Shuni aytsalar kerak-da: birovga choh qazisang, o'zing yiqilasan, — deb.

KAPALAK

Misli tillo qanoting,
Gulsevarim kapalak.
Quvib yurib ketingdan.
Tutolmayin men halak.

Quvib yursam ketingdan,
Erta tong ham kech bo'ldi.
Quyosh botib, mana tun.
Yog'du sochib oy kuldi.

Kel bog'imdan ketma
hech,
Gulsevarim kapalak.
Ko'nglimga gul ekyapman,
Hali gulzor bo'lajak.

Calomatxon HASANOVA

MAG'ZINI CHAQING

Kuch aqlda. Aqlsiz bosh bamisoli shamsiz chiroqdir.

L. N. Tolstoy

Dunyoda aqldan ortiq hech narsa yo'q.

I. E. Koronin

Odam faqat aqli bilangina odamdir.

P. Buast

Aqlli bo'lishning o'zi kifoya emas, aqlni ishlata bilish kerak.

Siseron

Aql ulug'likka etadi payvand,
Aqlsizning doim oyog'ida band.

A. Firdavsiy

Aqlni o'stirish uchun ko'proq fikrlash kerak.

R. Dekart

QIZIQARLI MATEMATIKA

1. 40ni ikki yarim marta orttirib, undan 60ni ayirsa necha qoladi?

2. 40ta ikki o'ttizta 3dan nechta kam?

3. Agar biz shimolga qarab turgan bo'lsak, 90 gradus chapga, keyin yana shuncha chapga burilsak, gaysi tomonlarga qaragan bo'lamiz?

4. Sport maydonchasining eni 40 metr, bo'yi esa 60 metr. Shu maydonchaning yuzi necha kvadrat metr?

HAZIL SO'ROQLAR

1. Qanday idishni sira to'ldirib bo'lmaydi?
(Teshik idishni)

2. Dengiz ostida qanday tosh bo'lmaydi?
(Quruq tosh)

3. Nima hamma tilda ham gapiradi?
(Aks-sado)

4. Qaysi joyda daryolar suvsiz,
Shaharlar uysiz bo'ladi?
(Xaritada)

5. Yomg'ir yog'ib turganda, qarg'a qanday daraxtga qo'nadi?
(Ho'l daraxtga)

TOPISHMOQLAR

1. Sirti tayoq
Ichi bo'yoq.

2. Yozda ham qishda
Bir xil kiyimda.

3. Qirq hujrada qizil qizlar.

4. Pishirsa osh bo'lur,
Pishirmasa qush bo'lur.

5. Past-past bo'yi bor.
Etti qavat to'ni bor.

6. Sariq bobom ichkarida
Soqollari tashqarida.

YOD OLING

TINCHLIK NIMA?

— Tinchlik nima?
— Sho'xliging.
Polvonliging tinchlikdir.
Usting butu to'qliging,
Sog'lomliging tinchlikdir.

*

Dunyodagi yaxshilar
Urushga choh qazishar.
Gullarga, daraxtlarga
Tinchlik so'zin yozishar.

Gul bo'lib, daraxt bo'lib,
O'sib boradi tinchlik.
Urush-halokat yo'lin
To'sib boradi tinchlik!

Umida ABDUAZIMOVA

BAHOR

Onda-sonda oq, yashil
Uchqunlarday gul,
maysa.
Esar ularga qarshi
Kuchanib shamol-qaysar.

Kun ora latta tutib,
Deraza changin artib,
Sezmay qolibmiz o'tib —
Ketganini ham vaqtning.
Tantana vaqti etdi.
Yaxshilab qaranglar-a!
Borliq tovlanib ketdi
Qirmizi alangada.

Zafar ISOMIDDINOV

БОЛАЛИК СУВРАТИ

(Бадиҳа)

Шоир, ёзувчи, журналист ва яна бир қанча эъзозли сўзлар соҳиби Сафар БАРНОЕВ шу кунларда қутлуғ ... ёшини қаршилаган эмиш деб эшитдик. Энг қизиғи, юқоридаги уч нуқтанинг ўрнига неччи ёзишни билмаймиз. Бировимизнинг тахминимизча, шоир қирқ ёшда... Кимдир элликда деб енгади. Охири Сафар аканинг таржимаи ҳолига мурожаат қилдик ва топдик. Қарангки, бугун Сафар Барноев муборак 60 ёшга тўлибди. Биз Сафар акани ушбу ёши билан қутлаган ҳолда, у киши ҳақида ёзмоқчи бўлдик. Бироқ, шу фурсатда қўлимизга келиб тушган каттагина ҳикоя фикрларимизни чалғитиб қўйди. Мана, ўша ҳикоя...

Ўйлай-ўйлай болалигимда кечган баъзи рангларни ушбу йўсинда чизишга бел боғладим.

Мана улар:

Шаҳарга кўчиб келишимиз билан раҳматли онамнинг биринчи айтган сўзлари шу бўлди:

— Болам, ҳуда-беҳуда кўчага чиқаверма. Бачадузак (бола ўғриси) қўлига тушсанг, сени ўғирлайди. Кейин мен сенсиз нима қиламан.

Мен бачадузак кимлигини, нималигини билмасамда, муштдек юрагимда аллақандай қўрқув пайдо бўлди. Кўча эшигини қия очиб, ўтган-кетганга ҳадиксираб қарайман. Буларнинг қайси бири бола ўғриси экан деб. Бу йилларда Бухорои Шарифда циган (лўли)лар кўп эди. Балки онам айтганлари шулар бўлса керак.

Биқиниб кўчага чиқаман. Онам етовида бозор-учарга чиқаман.

Кўп ўтмади, мактабга борадиган бўлдим. Биринчи дарсданоқ энг охирги партага бориб ўтирдим. Дарслар бошланди. Биринчи, иккинчи чорак ўтди. Ўқитувчим ҳар гал уйга берилган вазифани ким бажарди, деб сўраса, олдинги партада ўтирганлар баравар қўл кўтаради. Мен ҳам аслида уй ишини тайёрлаб келган бўламан. Негадир мендан сўранг, дейишга ботинолмайман. Сўраб қолгудек бўлса, азои баданимга титроқ тушади.

— Ўтир, — жеркиб беради ўқитувчим. — Яхшироқ ўқисанг, уласанми.

Синфдошларим қиқирлаб кулиб, баъзилари калака қилишади.

— Ўртоқ муаллим, унинг калласи ҳали пишмаган.

— Пишмаган хомкаллами?

У йилларда ота-оналар мажлиси кўп бўлармиди. Ҳар йиғинда синф раҳбари мени турғизиб, кўпчилик олдида изза қиларди:

— Бу бола одам бўлмайди. Эси-ҳуши кўчада.

Ўқитувчимиз гапида жон бор эди. Синфимиз деразаси кўча томонда бўлгани учун, нуқул кўчадан ўтганларни кузатиб ўтирардим. Хаёлимда ўша гап. Буларнинг қайси бачадузак.

Мактабда бўш-баёв, соқоврок бола бўлсамда, уйда тилим бурролашиб борарди.

Бунинг бош сабаби, қишлоқдан келганлар бизникига қунар, савдо-сотиғини қилар, меҳмон бўлган кечалари менга «Авазхон», «Кунтуғмиш», «Алпомиш» достонларини ўқитар эди. Каримбой суфи деган ҳамқишлоғимиз ўқитаётиб мени мақтаб кетарди:

— Ҳой, бола, шариллатиб ўқишинг дуруст. Фақат ўқиб қолма. Мағзини ўқиб ол. Алпомиш ҳам, ўзи биздики. Қурук ўқисанг, ўзинг ҳам, фикрингиз ҳам қул бўлади. Эсингда тут.

Каримбой суфи бу насиҳатдан кейин ўз бошидан ўтганларни яна бир бор такрорламаса, қунгли жойига тумшасди.

— Қовун бозорида юрсам, бир олифта деҳқон бечорага тоза зўғум қилаяпти. Ҳали у қовунни чақмоқлатиб қўради, ҳали бу қовунни чақмоқлатади. Кузатиб турсам, оладиган чоғи йўқ. Фақат аҳмоқ қилаяпти. Қулоқ чаккасининг тагига бир шапат урай десам, орқасидаги лаганига (наган демоқчи) кўзим тушди. Ҳа, дедим ичимда. Сани зўр қилаётган нарса шу экан-да.

Каримбой суфи «во дариға» деб давом этди.

— Кунимиз ана шу лаганчаларга қолди. Биз-ку, ўтиб бораяпмиз. Санлар кўра -била туриб биз кирган кўчаларга кириб қолмаларинг.

Каримбой суфи кетиши билан онам у киши айтган сўзларга қўшимча қиларди.

— Лаллайиб юрсанг, оғзингдагини олдириб қўясан, болам.

Унинчини тугатиб, каттароқ шаҳарда ўқиб, обрў топайин деб Тошкентга келдим. Дорилфунунга биринчи имтиҳон топшириб, гажакдор катта икки пайт қулоғим остида Каримбой суфининг товуши жаранглади.

— Азои баданингдан қулликни олиб ташла, болам. Фақат нотавонларгина ночорликнинг йўлини тутади. Бизнинг кўчадан зинҳор-базинҳор юрма.

Бобом сингари Каримбой суфи ҳам то сўнгги нафасигача бутун умрини хазон қилган Шўро давлатини қарғаб, бу оламдан ўтиб кетди.

Бўеғи энди бошқа гап. Мен уларнинг набираси сифатида ўзимдан бошладимми, ўзим ҳақимда давом этганим маъқулроқ.

Ёруғ дунё билан хайрлашиш тараддудини кўраётганимда кўча эшиги тақиллади. Арқон халқасини бўйнимдан олиб, дарвоза томон юрдим. Нотаниш киши қўлимга бир парча қоғоз тутқазди.

— Нима бу, — сўрадим.

— Армияга чақирув қоғози.

Нотаниш киши қоғознинг бир бўлагини йиртиб олиб, менга қўл қўйдиргач, сўради:

— Сиз фалончиевми?

— Ҳа, — дедим.

У кетиши билан хаёлларим чил-парчин бўлиб, бирдан ўзимга келдим.

— Яшасин, мени ҳарбийга чақиришибди. Демак, ҳали мен керакли одам эканман.

Шундай қилиб ҳарбий хизматга жўнайдиган бўлдим.

* * *

Калининградга борганимиздан кейин бизни минг кишилик дивизия залига бошлаб кириштди. Кечгача шу шаҳардаги турли қисмларга бўлиб ташлашди. Бештача — шамол қаттиқ кўтарилса, Когонгача учириб келадиган болалар қолдик.

Ниҳоят бизнинг эгамиз чиқди. Ювинтириб, кийинтиргани олиб кетишди. Янгиси йўқ экан. Эски-туски кийим беришди. Ошхонадан беш киши узун-қисқа бўлиб, оёқлар чалишиб ер тепиб келаётсак, ишонинг-ишонманг кирза этигидан тортиб, пилоткасигача қора қурум босиб кетган юртдошимизга кўзимиз тушди. У ҳам бизни кўриб таққа тўхтади.

— Ҳа, укалар, бугун келдингларми?

— Эрталаб келдик.

— Бу йил пахта яхшими? — сўради у.

— Яхши, — дедик.

— Сиз қачон келгансиз? — сўрадим.

— Икки йил бўлиб, учунчига кетаяпти.

— Ким бўлиб хизмат қиласиз, ака?

У қора тутун чиқариб турган трубали бинони кўрсатди.

— Мана, ўша ерда ўт ёқувчиман. Қозонларда сув иситиб, казармаларга пар юбораман.

— Гулахмисиз.

— Йўқ, — деди унинг ҳамияти қўзғаб, — аскарман.

— Аскар...

— Ҳа, — деди у.

Гапимиз чўзилиб кетдими, бизни бошлаб келган сержант — зобит ўшқирди.

— Шагом марш...

Шу билан хайрлашдик. Ётоқхонага боргач, қатъий онт ичдик.

— Гулахда ишлайсан деса баравар йўқ деймиз.

— Қасам ичамизми?

— Нон урсин-а.

Қўрққанимиз беҳуда чиқди. Гулахнинг ўз эгалари кўп экан. Осон иш деб ўзимиз билан келганлар ҳам кейин-кейин ўша томон оғди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Дивизиямизга икки юзтача латиш, литва, эстон йигитлари келишди. Улар олий ўқув юртларининг талабалари бўлиб, ҳарбий тажриба ўрганишга келишган экан. Елкалари кенг, буйдор, каллахум бу йигитлар ер тепганида ер ларзага келади. Гурс-гурс қадам ташлаб ҳар бир миллат ўз тилида қўшиқ айтади.

Биз пахта оралаб суяги қотган йигитлар уларга анграйиб қараймиз.

— Ҳар бирининг елкасига биздақалардан тўрттаси ўтирса бўлади. Шундай десам шеригим қўшиб қўйди.

— Бу занғарлар тоза ҳавода ўсган-да. Бизга ўхшаб пахта терсин. Сувга ботириб эртаю кеч нон есин. Ана унда кўраман. Аравага ярамай қолади.

— Йўқ, — дейман, — гапинг тўғри-ю, бизни пахта эмас, ватай илдизимизни қуритиш учун сепилаётган заҳарли дорилар хароб қилаяпти. Алпомишлар қанақа одамлар бўлган.

— Ўша сан айтган Алпомишлар қайта тирилиб келиб, ана шуларнинг энасига уйланган бўлса-чи.

— Булар мусулмон эмаску. Билиб қўй. Алпомиш мусулмон бўлган, — шеригимга танбеҳ бераман.

— Энди, — дейди шеригим, — Алпомиш бобомиз пачақ-сачақ хотинларни кўриб, ке бир марта кофур бўлсам бўлай деб, буларнинг юртига келиб қолган бўлса-чи.

— Алпомишнинг арвоҳини безовта қилма. Ҳали бизнинг юртларда ҳам Алпомишлар туғилади. Шунақа кўп туғилади-ки.

— Айтганинг келсин, жўражон, дейман.

Бир сўзли бу забардаст йигитлар анчадан кейин ўзини бизга яқин тута бошлади. Айниқса Улдус дегани.

Биринчи марта Улдуснинг тилидан бу сўзни эшиттанда кўпчилигимиз қўрқиб кетганмиз.

— Булар босқинчилар, — деди у зобитларни кўрсатиб. — Бизнинг ҳам, сизнинг ҳам юртингизни ана шулар босиб олган. Эсдан чиқарманглар. Булар уруш қилмаса туролмайди.

Шеригим уф тортади. Кейин тилга киради.

— Эсингда турсин. Алпомишча.

Ҳар қандай тулпорнинг жиловидан тортиб турсанг, майдонга олиб чиқмасанг бора-бора ювош тортади. Тулпорлиги ҳам эсдан чиқади.

Аниқки, биз бир умр танбеҳлар, дашномлар юки остида яшаб, ўсмасак бўлиб яшадик.

Бугунга келиб, биз алпомишлар, барчинойлар зуриёдимиз деб, кўкрагимизга урамиз.

Айт-чи, бу кўкраклар тоғдекми, ёки турткилар остида аллақачон пачоқ бўлиб кетганми.

— Ие, — дедим, — биббинойи ақлинг бор экан-ку. Бу каллани қаердан олдинг.

— Буни бориб отам билан онамдан сўра. Жим юрса, ақлсиз бўладими? Билиб қўй, жим юрган одам бир куни ёрилади.

— Мана, сан ёрилдинг-қўйдинг, жўражон.

У билан ана шундан кейин тилимиз ҳам, дилимиз ҳам бирикиб кетди.

Каримбой суфи айтганидек, биз илк бор ўз йўлимизни танлашга кириштдик.

Фақат бу гапларни узоқ йиллар юрагимиз қатида сир сақлаб келдик.

Сафар БАРНОЕВ

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани Амир Темур номидаги маҳаллада фаолият юритаётган «Учқун» клубида туманнинг барча маҳаллалари клубларидан келган вакиллар иштирокида семинар бўлиб ўтди. Клублар ишларини янада жонлантиришга бағишланган бу кенгашда ёшлар ўзлари ясаган турфа буюмлар кўргазмасини ҳам намойиш қилдилар.

Суратда: кенгаш ишидан лавҳа.

Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган сурат

Sport

УЛАР ПАРИЖГА БОРАДИ...

Яқинда Тошкент шаҳрида умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида мини-футбол бўйича республика мусобақаси ўтказилди. Унда биринчи ўринни наманганлик ёш футболчилар эгалладилар. Умумий натижага кўра, ушбу мусобақа иштирокчиларида тўрт ёш футболчи футбол бўйича жаҳон чемпионатида иштирок этадиган бўлди.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» ЯНАДА БУЮК

Андижон шаҳрида теннис бўйича навбатдаги «Буюк ипак йўли» йирик халқаро мусобақаси бошланди. Унда мамлакатимиз теннисчилари билан бирга дунёга ном чиқарган бир неча ўнлаб хорижлик ракетка усталари ҳам иштирок этмоқда. Мусобақа бир ҳафта давом этади.

«СПАРТАК» — «ИНТЕР» — 1:2

УЕФА кубоги учун ярим финал такрорий ўйинлари бўлиб ўтди. Москванинг «Спартак» футболчилари ўз майдонида Италиянинг ронадочилар («Интер»)ини қабул қилиб 1:2 ҳисобида мағлуб бўлдилар ва финал йўлланмаси «Интер»га насиб этди.

ЎРИНЛАР ЎЗГАРИШИ МУМКИН

Бугун кеч соат 4.30 да мамлакат чемпионатининг энг муҳим учрашувларидан бири «Пахтакор» — «Нефтчи» учрашуви ўтказилади. Ушбу футбол командалари ҳозирча бир хил натижа билан турнир жадвалида тенгма-тенг турибди. Бугунги учрашув натижасига қараб, уларнинг эгаллаб турган ўринларида кескин ўзгариш бўлиши мумкин.

34 МЕТРЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ХИЗМАТДА

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг эгалари — французлар тўртта юк машинасига бўйи 24, эни 34 метрдан иборат баҳайбат экран ўрнатишди. Унда жаҳон чемпионатининг 64 учрашуви бутун шаҳар бўйлаб олиб кўрсатилади. Французларга битта экран ўртача 900 минг доллардан тушган.

maydonchasi

Xullas...

СУРАТ ВА БИОМАЙДОН

Инсондан сурат қолади... Лекин ҳаддан зиёд кўп суратга тушишнинг оқибати ҳам яхшиликка олиб бормас экан. Каир Университетининг биофизик олимлари суратнинг киши ҳис-туйғуларига таъсирини ўрганишди. Уларнинг фикрича, ким қанчалик кўп суратга тушса, унинг биомайдони шунчалик кучсизланиб борар экан.

Каирлик олимлар 500 кишини уз розиликларига мувофиқ 130 кун мобайнида тез-тез суратга туширишди. Тадқиқотчилар махсус приборлар ёрдамида бу кишиларнинг биомайдони кун сайин қисқара бошлаганини илғадилар. Тажрибадан сўнг суратга туширилганлар соғлиғи ёмонлашганидан шикоят қилишди. Айни пайтда уларда аввалги ҳолатга нисбатан биомайдон 3 марта кичрайиб кетган. Лекин уларнинг суратлари борган сари тиниқ ва ёрқин, ҳаттоки энг майда деталигача акс этган.

Бу ҳақда Египетда чиқадиган «Ал-ахрам» газетасида батафсил ҳикоя қилинган.

ҚУРОЛСИЗ БЎЛСА ҲАМ...

Қурасидаги молнинг бўри чангалидан омон қолишини қайси чўпон истамайди? «Колтогон» хўжалиги чўпони Болат Нусупбоев (Қозоғистон) ҳам «душман» билан олишувда бўш келмади.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, у ғунажин томон устакорлик билан юриб келаётган бўрини ер тишлатди. Чўпон қуролсиз эди, аммо хуржунидан бўш бутилкани тезликда олиб, бўрининг бошига шу қадар зарб билан туширдики, чорванинг «офати» шу заҳотиёқ нариги дунёга равона бўлди...

ПУГАЧЁВАНИНГ «СЮРПРИЗИ»

Уч йиллик танаффуздан сўнг, Алла Пугачёва яна саҳнада. Унинг янги қўшиқларини минглаб мухлислар кутаётган эдида.

Эстрада «юлдузи» ўз гастролларини Алматида бошлади. Қўшиқлари эса бояги-боягидек: жўшқин, эҳтиросга бой, ўйлатувчан ва йиғлатувчан. Алла Борисовна ўз концерт дастурларини Россиянинг ва яқин хорижий давлатларнинг 45 та шаҳрида қўйиб бермоқчи. Катта гастроль олдидан бу қўшиқчи аёл журналистларнинг «Концертингизга билетлар қанча туради?» деган саволига «40 доллардан 200 долларгача. Тўғри, бу нарх жуда қиммат. Арзон бўлмаслигининг сабаблари кўп. Лекин мен ногиронлар, бева-бечоралар, театрларнинг артистлари учун текин концерт қўйиб беришга тайёрман!» деб жавоб қилди.

Ана бунисига беш кетсангиз бўлади!

ana shunaqa gaplar

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси, вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси Оҳангарон тумани халқ таълими бўлими мудири

Раҳматулла ЙЎЛДОШЕВ

вафот этганлиги муносабати билан оила аъзолари, қариндош-уруғлари номига чуқур таъзия изҳор этади.

БУ СИЗ УЧУН ЗАРУР

Маълумингизким, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январда қабул қилинган 4-рақамли қарорига биноан 1998—1999 ўқув йили (1 сентябрь)дан бошлаб ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг пулли шакли жорий этилди. Мазкур қарорга кўра, дарсликлар билан таъминлаш пулли шаклга ўтилгандан кейин ҳам барча мактабларнинг 1-синф ўқувчилари, меҳрибонлик уйлари, ақлан ва жисмонан заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб-интернат ўқувчилари улар билан тўлалигича бепул таъминланади.

Мактаб дарсликлари республикамизнинг ҳамма ҳудудларида белгиланган қатъий нарх бўйича сотилади. Дарсликларни бу нархлардан ошиқча нарх билан сотишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Дарсликлар савдоси билан шуғулланувчи турли ташкилотлар ва тадбиркорларга ҳам қатъий белгиланган ушбу нарх ичида 25 фоиз чегирма даромад сифатида қолади.

Қуйида 1998—1999 ўқув йили учун «Ўқитувчи» нашриёти томонидан ҳозирги кунга қадар чоп этилган дарсликларнинг рўйхати ва қатъий нархлари эълон қилинмоқда.

«Китоб савдоси» ҳиссадорлик жамиятида сақланаётган мактаб дарсликлари РЎЙХАТИ

№	Муаллиф	Номи	Чакана (нархи сўм)
1.	Т. Жалолов	Инглиз тили, 9-синф (янги оригинал)	105
2.	Ш. Алимов	Алгебра, 7-синф	74
3.	N. Bikbaeva	Matematika daftari, № 2, 2-sinf	20
4.	N. Bikbaeva	Matematika daftari, № 1, 2-sinf	20
5.	T. Poshshaxo'jaeva	Mehnat ta'limi, 5-sinf	24
6.	Ж. Рамизов	Меҳнат таълими, 7-синф (синов)	69
7.	Н. Перышкин	Физика, 7-синф	51
8.	O. To'raeva	Odobnoma, 5-sinf	33
9.	M. G'ulomov	Xucnixat, 3-sinf	20
10.	M. Asqarova	Ona tili, 5-sinf	106
11.	Х. Екубова	Русский язык, 7-кл	78
12.	Т. Петрова	Русский язык, 5-кл	138
13.	S. Bulatov	Ganchkorlik, 5-sinf	16
14.	S. Bulatov	Ganchkorlik, 7-sinf	16
15.	А. Каримова	Русский язык. 9-кл	73
16.	А. Абулқосимов	Матер. ва океан геог. 6-синф (синов)	66
17.	А. Андриянова	Русский язык, 3-кл	170
18.	А. Азизов	Русский язык, 10-кл	69
19.	Н. Шахмаев	Физика, 11-синф	124
20.	Д. Шодиев	Физика, 7-синф	61
21.	J. Ikromov	Matematika, 5-sinf	181
22.	X. Egamov	O'zingiz quring va yasang 2-sinf	27
23.	М. Худойберганова	Инглиз тили, 5-синф	134
24.	B. Sarimsoqov	O'zbek adabiyoti, 5-sinf	165
25.	A. Suyunov	Alifbo	141

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек Жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Адабиёт институти ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда 1998 йилнинг 8 май куни Қарши шаҳрида «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлаш тадбирлари доирасида ёш бахши-шоирларнинг (35 ёшгача) Республика

КЎРИК — ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кўрик — танлов иштирокчилари ёш авлодни истиқлол даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониш, миллий ғурур ва ўз-ўзини англашга даъват этувчи сермазмун асарларни (достон, халқ термалари, қўшиқ ва ўз ижод намуналари) ижро этишлари мумкин.

Ҳар бир ёш бахши-шоир учун 20 дақиқа вақт берилади.

Кўрик-танлов қатнашчиларининг ижрочилик маҳорати, ижро этилаётган асарнинг мазмуни, овоз ва созларнинг уйғунлиги, дастурининг ғоявий-бадиий даражаси 10 баллик мезон билан баҳоланади.

Кўрик-танлов ғолибларига қуйидаги мукофотлар:

Биринчи ўрин — ДЭУ рангли телевизори;

— иккита иккинчи ўрин — «Семург» телевизори;

— учта учинчи ўрин — кассетали магнитофон, шунингдек совриндорларга Улуғбек Жамғармасининг дипломлари берилади. Ушбу кўрик-танлов Қарши шаҳри, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилади.

Кўрик-танловга марҳамат!

Маълумотлар учун телефонлар:

45-26-45, 45-23-48, 45-96-96.

Манзилимиз: 700027, Тошкент шаҳри,

Фурқат кўчаси, 1-уй.

Улуғбек Жамғармаси бошқаруви

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Узбекистон Халқ таълими вазирлиги, Узбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Нурлан УСМОНОВ, Абдураҳмон ЖУРАЕВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-011140. Тиражи 59313. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6